



# ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 19 (1083)

2016-yil, 6-may, juma

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

конун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли рўёбга чиқаришга хизмат қилади

### ДАВРА СУҲБАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда “Парламент назорати институти: ҳуқуқий асослари ва амалга ошириш истиқболлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик вакиллари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси вакиллари, Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда жамият ҳаётининг барча жабхаларида олиб борилаётган ишчилик ислохотлар самараси ўларок, миллий қонунийликнинг йилдан-йилга тақомиллашиб бориши баробарида парламентимизнинг

мамлакат ҳаётида тутган ўрни тобора юксалиб бормоқда.

2016 йил 12 апрель куни кучга кирган “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, хусусан, депутатлар ва ижро ҳокимияти вакиллари етказиш ҳамда унинг амалиётдаги самарали ижросини таъминлаш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Давра суҳбатида депутатлар эътибори ушбу қонундаги нормаларни ҳаётга самарали татбиқ этилишининг назарий ҳамда амалий асосларини, мазкур нормаларни амалга ошириш механизмларини муҳокама этиш, бу йўналишда партия фракцияси олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб олишга қаратилди. Зеро, мазкур қонуннинг қабул қилиниши парламент аъзолари учун қатта тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Чунки ушбу қонун орқали парламент назоратининг мустақам ҳуқуқий асоси яратилди.



### 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



## ТАРИХ САБОҚЛАРИ БИЛАН ҚАДРЛИ

Истиқлол туфайли халқимиз онгида, тафаккурида янгича дунёқараш шаклланди. Бу дунёқараш асосида гўзал юртимизни, меҳнатсевар халқимизни улуғлаш, қадим тарихимизни тиклаш, буюк аجدодларимиз номларини абадийлаштириш, хотирасини эъзозлаш, уларнинг ўлмас меросидан ёш авлодни баҳраманда этиш, қадриятларни қарор топтириш каби ғоялар буй кўрсатди. Юртимизда бу борада кўплаб улғувор ишлар амалга оширилди.

Халқимизнинг энг қадимий асари, дунё адабиётида муҳим ўрин тутган маданий мерос намунаси “Авесто”га бағишланиб Урганч шаҳрида, “Алломиш

достоини улуғланиб Термиз шаҳрида майдонлар барпо этилди, ёдгорликлар ўрнатилди. Улуғ Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ Тошкент, Самар-

қанд, Шаҳрисабз шаҳарларида хиёбонлар ташкил қилиниб, хайкаллари қад ростлади. Шунингдек, “Шаҳидлар хотираси”, “Кўхна ва боқий Бу-хоро” деб аталган ансамбллар, Бурхониддин Марғиновий, Абу Наср Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Жалололдин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий номлари билан боғлиқ ёдгорликлар мажмуалари яратилди. Буларнинг бари тарихимизга, аجدодларимиз меросига чуқур эҳтиром билан бирга асл миллий қадриятларимизни қарор топтиришга, ёшлар ота-боболаримиздан ибрат олиб

яшаб, уларнинг улғув ишларининг давомчилари бўлиб етиштирилишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда ана шундай улғувор мақсадда бунёд этилган масканлардан бири Ватанимиз пойтахтидаги Хотира майдони ҳисобланади.

Хотира майдони Тошкент шаҳрининг марказида, Мустақиллик майдонига туташ нуқтада мамлакатимиз Президентини ташаббуси ва савий-ҳаракати билан 1998-1999 йилларда барпо этилди. Узунлиги 60 метр, эни 30 метрдан ошадиган ҳудудни эгаллаган майдон миллий ва замонавий шаҳарсозлик-

ка хос қиёфада яратилган. У икки қисман иборат ҳолда қурилган. Майдоннинг биринчи қисмини айвонлар хиёбони ташкил қилади. Айвонлар майдоннинг икки томонида жойлашган. Уларнинг ташки қисми мармар қопланган девор билан ўралган, ички тарафлари эса ёғоч устувли колонналардан иборат. Шунинг учун улар очик айвон тарзида қад ростлаган. Хар бир айвоннинг 16 тадан, жами 32 та айвончаси мавжуд. Айвонларнинг баландлиги 5 метрдан ошмаётган бўлиб, уларни 42 та устул кўтариб турибди. Устуллар пойидан то тепа қисмигача миллий ҳунармандчилик анъаналари асосида ўйма ва бўртма нақшлар билан безатилган.

Айвончаларнинг шифтлари вассажуфт асосида ҳавозали кўринишда яратилган. Хар бир ҳавоза тархи, қурилиши, безатилиши ва бошқа жиҳатлардан бири иккинчисини такрорламайди. Устулларни, шифтларни, ҳавозаларни, безакларни ишлашда усталар республикамиздаги хар бир воҳа, водий, вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳунармандчилик мактаблари анъаналаридан келиб чиққанлар. Умуман, майдоннинг айвонлар хиёбонида аждодлар руҳини, Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган ота-боболар ўчмас хотирасини эса соладиган ҳолатлар ўз ифодасини топган. Ушбу миллий, замонавий иморатлар эса майдоннинг ўзига хос кўрқига, бунёдкорлик тисмолига айланган.

Хотира майдонида бу айвонларнинг қурилиши бежиз эмас. Уларда мамлакатимиздан Иккинчи жаҳон уруши жангчиларида қатнашиб, ўлкамизга қайтиб келиш nasib этмаган, эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахт-саодати учун ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз номлари битилган хотира китоблари қўйилган. Мавлудотларга кўра, уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион одам яшаган. Шундан 1,5 миллиони урушга жалб этилган.



## “МАКТАБДА ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ” ЛОЙИҲАСИ

электорат ва кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда

### ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Халқ таълими вазирилик ҳамкорлигида “Умумтаълим мактабларида жамоатчилик назорати” мавзусида амалий видеоконференция бўлиб ўтди.



Партиянинг “Мактабда ижтимоий тенглик масалалари” лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Сенат аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ва партия фаоллари, Халқ таълими вазирилик ва унинг жойлардаги бўлинулари мутаассадилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Видеомулоқотдан қўзланган асосий мақсад таълим соҳасидаги ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш, умумтаълим мактабларида таълим тарбия жараёнини янада ривожлантириш, ўқувчиларга бугунги кун талаблари даражасида билим бериш, соҳага доир конун ва қонуности ҳужжатларининг жойларда самарали ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан ўзаро фикр алмашиш, тегишли так-

лиф, тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Наримон Умаров таълим соҳасида билим бериш, соҳага доир рўй бераётган янгиланишлар, миллий тараққиёт моделида устуворлик касб этган кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг самаралари кундан-кунга турмушимизда ўз ама-

лий ифодасини кўрсатмоқда. Ушбу тамойилни ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш учун давлат бюджетининг асосий қисми йўналтирилаётгани ҳам дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Жумладан, 2015 йилда мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига сарфланган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этди. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъмин-

лаш учун таълимга йўналтирилган зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўндир.

Зеро, ижтимоий сиёсатимизнинг бош мақсади, энг аввало, хар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, шу орқали халқимизнинг буюк келажагини бунёд этишга қаратилган.



### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Жорий йилнинг май-июнь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига Қорақалпоғистон Республикасида ҳам пухта тайёргарлик кўрилди.

### МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САЙЛАНАДИ

Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институтининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ва янада тақомиллаштириш, жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Маҳалла юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим бўғинларидан биридир, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими бошлиғи Хўжабой Елмуратов. — Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида 402 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи самарали фаолият юритмоқда. Бўлажак сайловларнинг ошқоралик, тенглик ва адолат тамойиллари асосида ўтиши учун барча ташкилий чоралар кўрилди. Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга қўмақлашувчи комиссиялар томонидан хар бир маҳаллада сайлов ўтказиладиган жой ва унинг вақти белгиланган режалар ишлаб чиқилди. Сайлов ўтказиладиган барча жойлар тахт ҳолга келтирилди.

Сайловларда 402 нафар раис ва уларнинг 3 минг 618 нафар маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари раислари лавозимига бой ҳаётий тажрибага эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган, фаол ва ташаббускор, оилалар тотувлиги ҳамда маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдек масъулиятни зиммасига олган 1 минг 200 дан ортик, маслаҳатчиликка эса 11 мингта яқин номзодлар кўрсатилди.

А.ОРТИҚБОЕВ,  
ЎЗА мухбири






# ҚУЙИ БЎГИНДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР

## аҳолининг ишончини оширади

### ➤ БПТ — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Бугун Жиззах вилоятида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 104 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Сон эмас, сифатни устун қўйган вилоят партия ташкилоти фаоллари қуйи бўғинлар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишяпти. Хусусан, бу борада Жиззах туман партия кенгаши томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



карлар йўналиши аҳолиси ўртасида она ва бола саломатлигини асраш, уларда соғлом турмуш тарзини яратиб, ҳар бир инсон ўзи ва оила аъзолари соғлиғига эътиборли бўлиши, эрта турмуш қуриш, қариндошлар

Бошланғич партия ташкилотимиз фаоллари ҳам мутахассис, ҳам сиёсий партия аъзоси сифатида ўз салоҳиятларини намоён қилишга интилоқдалар. БПТ томонидан "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — обод ва фаровон турмушни таъминлашнинг муҳим омил", "Инсон манфаатлари — олий қадрият", "Ўз уйингни ўзинг асра", "Оилада соғлом муҳитни қарор топтиришга ким масъул?", "Миллий қадриятлар маънавий юксакликка бошлайди", "Репродуктив саломатлик — соғлом турмуш гарови" каби ўилаб мавзуларда тадбирлар ташкил этдик, — дейди БПТ фаоли Нодир Холжўжаев. — Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш, бу борадаги дастурий мақсадларимизни рўёбга чиқаришда БПТ аъзолари муносиб улуш қўшишга ҳаракат қилмоқда. Туман тиббиёт бирлашмасига 390 миллион сўмликдан ортиқ жихозлар келтирилиб, амалиётга жорий этилишида БПТ фаолларининг ҳам ҳиссаси бор. Хусусан, рақамли ультратравуш аппарати, кўз касал-

ликларини аниқлаш бўйича офтальмоскоп ҳамда офтальмологик жамланмалар, жароҳлик асбоб-ускуналари, рентген аппарати, туғуруқхоналарда чақалоқлар бўлими учун жихозлар, мониторингта, автоклав аппаратлари, дори-дармонларни сақлаш учун совутичлар каби янги жихозлар ўрнатилди.

Бугун туман тиббиёт бирлашмаси қошида БПТ аъзолари томонидан ёшлар билан ишлаш ва уларни сиёсий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш борасида ҳам яхши тажрибалар тўпланган, дейиш мумкин. Айниқса, ўтказилаётган тадбирларда партия сафини фаол ва ташаббускор ёшлар ҳисобига янгилаш, уларнинг сиёсий билимларини оширишга қаратилган тизимли ишлар ташкил этилиб, натижада маслақдошларимиз фикр кенгаймоқда. Хусусан, БПТ ташкил этилишида уларнинг сони 10 нафар бўлган бўлса, бугунги кунда 40 нафарга етди. БПТ фаоллари хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, иш ўрганишларига қўмақлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айни пайтда аҳоли билан ҳамнафас ишлаш, партия ва унинг дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчи фаол хайрихоҳлар сонини кўнайтириш мақсадида БПТ томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга йўналтирилмоқда.

### СДП хабарлари

9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон шаҳар кенгаши томонидан уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлаш ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида "Сиз ҳамини ардоқдасиз!" акцияси ташкил этилди.

## ИНСОН ҚАДРИ ЮКСАК

Акция доирасида ўтказилган хайрия тадбирлари, суҳбатлар ва учрашувларда тинчликнинг бебахоллиги, юртимизда инсон қадри юксак эканлигига эътибор қаратилиб, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз тартиб этиляпти. Фахрийлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонига маҳаллий Кенгаш депутатлари ва "Ёш адолатчилар"нинг ташрифи уларни хурсанд қилди. Бугунги фаровон кунларимиз ва осмонимиз мусаффолиги қадрига етиш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади. Бу борада кекса авлод вакилларининг ёшларга насихатлари, огоҳликка ундовчи фикрлари ҳаётини аҳамият касб этади.

— Биз уруш кўрган ва жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кексаларни ҳар қанча эъзозласак, хурмат қилсак арзийди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон шаҳар кенгаши раиси Қосимжон Қаюмов. — Айни шу мақсадда, бир неча кунлики, вилоятимизда байрам-оли тадбирлари ўтказилмоқда. Бунда иштирок этаётган ёшларнинг қалбига ватанпарварлик, юртга меҳр ва масъулият ҳисси ортмоқда.

Андижон туманининг "Харабек" қишловида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Шаробиддин ота Уллонов ва Андижон шаҳридаги "Фаробий" маҳалласи фаоли, меҳнат фахрийси Муҳаббатхон Абдиева хонадонидagi суҳбатлар, айниқса, ибратли бўлди.



Президентимизга раҳмат, — дейди Андижон шаҳридаги 9-сон МФЙда яшовчи меҳнат фахрийси Мария Гладких — бизга чексиз эътибор ва гамиҳурлик кўрсатилмоқда. Бунга жавобан ёшларимизни юртга содиқ инсонлар қилиб тарбиялашга ҳисса қўшимиз лозим.

"Фахрийлар — фахримиз" деб номланган театрлаштирилган байрам дастурида Ватанинг муқаддаслиги, жасорат, меҳр-оқибат ва инсонийлик туйғулари улуғланди. Тадбир якунида ташкилотчилар томонидан фахрийларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**  
Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби

## ФАХРИЙЛАРНИ УЛУҒЛАШ — ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Кармана туман кенгаши ўз фаолиятида ўтган аждодларимизни хотирлаш ва биз билан ёнма-ён умргузаронлик қилаётган кексаларни қадрлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борадаги тадбирлар Хотира ва қадрлаш куни арафасида янада уюшқоқлик билан ташкил этиляпти.

Тумандаги касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактабларида ташкил этилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирмоқда. Уларда сўзга чиққан уруш фахрийлари навқирон авлодга бугунги фаровон кунлар ўз-ўзидан қўлга киритилмагандлиги, халқимизнинг уруш жангтоҳларидаги ва меҳнат фронтдаги тенгсиз жасорати, сабр-бардоши хусусида сўзлаб бериши, дориламон кунларнинг қадрига етиши, Ватанинг муносиб фарзандлари бўлишга ундади.

Партия фаоллари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хонадонларида улар билан суҳбатлашиб, совғасаломлар тақдим этишмоқда. Бундай тадбирларда туман партия кенгаши мутахассислари, БПТлар етакчилари, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари фаоллик кўрсатишмоқда.

Суҳбатлар чоғида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Орзи Бердиев, Қодир Мардонов, Наби Нурмонов, Пирназар Турдиев, Тукман Янғабев, Ялла Равшанова, Замилла Хонбековалар давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган эътибор ва гамиҳурликдан беҳад мамнуи эканликларини баён этишди. Жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳам хайрли ишлари билан уларни хўшнуд этганини таъкидладилар.


Байрам арафасида тумандаги уруш орти меҳнат фронти қатнашчилари бўлган отахон ва онахонлар ҳолидан ҳам хабар олинди, уларга тадбир ташкилотчилари ҳамда хомийларнинг совғалари улашилди.

Туман партия кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёш адолатчилар" қаноти етакчилари ва депутатларимиз барча юртдошларимиз катори 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тумандаги Хотира майдонида бўлиб ўтаётган тантанали маросимга ҳам қизгин ҳозирлик қўришяпти. Шу кунги Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилоят кенгаши билан ҳамкорликда нафақат туман, балки вилоятдан таклиф этилган уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийларига хурмат-эҳтиром кўрсатилади.

**Гулҷеҳра МАМАТОВА,**  
Ўзбекистон "Адолат" СДП Кармана туман кенгаши раиси

— Ҳозирги кунда 376 нафар сафдошларимиз 8 та БПТга бирлашган, — дейди "Адолат" СДП Жиззах туман кенгаши раиси Элдор Абдурашулов. — Бошланғич ташкилот партиянинг негизи ҳисобланади, ҳар бир БПТ ўзи ишлаётган хулудда аҳолининг эътибор ва ишончига сазовор бўлиши партия ишида муҳим саналади. Қуйи бўғин фаолиятини мунтазам яхшилаб бериш мақсадида туман партия кенгаши фаоллари мутахассисларни жалб этган ҳолда семинар-тренинг ва сиёсий ўқувлар ўтказиб келмоқда.

таётган бошланғич партия ташкилоти 40 нафар маслақдошларимизни бирлаштирган. Улар томонидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури



ижросини таъминлашда ўз масъулиятларини чуқур ҳис этган ҳолда астойдил иш олиб боришмоқда. БПТ аъзолари томонидан "Учтепа" қишлоқ фу-

ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, оилада тиббий маданиятни шакллантириш каби мавзуларда тарбия-ташвиқот ишларини амалга оширишди.

**Маърифат МАВЛОНОВА,**  
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

# БИЗ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИМИЗ

Урганч шаҳар тадбиркорлик ва сервис касб-хунар коллежида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Урганч шаҳар ташкилоти томонидан "Биз вайронкор ғояларга қаршимиз" мавзусида тадбир ўтказилди. Партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасидаги ушбу тадбирда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этдилар.

## Яратувчилик ишлари тинчлик шароитидагина амалга ошади

Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Раҳимбой Латипов бугунги кунда жаҳоннинг турли нуқталарида рўй бераётган террорчилик хатти-ҳаракатлари, қонли мижозлар, мутаассиблик, ўзаро низоларнинг мудҳиш оқибатлари ҳақида, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодга тасаввур ҳосил қилиш, инсон онгини захарлашга уринаётган ёвуз ниятли қимсалар алдовидан эҳтиёт бўлишга ундаш, жойларда маънавий-маърифий тарбия-ташвиқот ишларини кучайтириш партия фаолларининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланганини қайд қилди.

Ёшларнинг интернетдан тўғри фойдаланишида "Ёш адолатчилар" қаноти фаолларининг ўрни мавзусида сўз юритган вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Иножон Мадрахимов тараққиётга ёт ғоялар остида турли кучлар интернетдан фойдаланиб, ахборот эркинлигини сунистеъмор қилаётганлиги, ўсиб келаётган ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги уришлар кучайиб бораётгани, шу боис ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз лозимлиги, ёшларнинг бўш вақтларига мазмун бағишлаш, уларнинг интернетдан тўғри фойдаланишига чуқур эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб, ҳаётини мисоллар билан тушунтириб ўтди.

Дарҳақиқат, бир иншоотни барпо қилиш, бир манзилни обод этиш, бир инсонни улғайтириш, қамолга етказиш қанча меҳнат ва маблағ талаб қилишини яхши тушунагимиз. Яратувчилик ишлари тинчлик шароитидагина амалга ошади ва буларнинг барчаси бунёдкорлик деган улғу саъй-ҳаракатларнинг самараси саналади. Аммо жаҳоннинг қай бир нуқталарида бино ва иншоотларни бир зумда вайрон этиш, қонли мижозлар келтириб чиқариш, инсон ҳаётини заррача кадр қилмаслик ва умрига зомин бўлиш хатти-ҳаракатлари содир қилинмоқда.

Шу боис вайронкор ғояларга қарши туриш бунёдкор ғоялар билан яшаётган ҳар бир юртдошимизнинг фаол фуқаролик позициясига айлангани бежиз эмас.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**  
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

## МУСТАҚИЛ ФИКРЛИ ВА БИЛИМДОН ЁШЛАР

### қарашларида огоҳлик — муҳим мезон

Мустақил мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда "оммавий маданият" хуружидан асраш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга ошириляпти. Энг муҳими, уларнинг барча соҳаларда муваффақиятга эришишлари учун моддий ва маънавий қўмак берилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят ва Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳардаги ахборот технологиялари коллежида бўлиб ўтган "Огоҳлик мен қандай ҳис этаман" мавзусидаги тадбирда ҳам экстремизм ва терроризмнинг аянчли оқибатлари мисоллар орқали айбик ўтилди, юртимиз мустақиллигини асраш, тинчлик ва фаровонлигимизни таъминлаш учун қуралиш, огоҳликни кўндан бермаслик ҳар биримизнинг энг муҳим бурчимиз эканлиги таъкидланди.

Тадбирда халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Акмал Бобоевнинг "Мустақил фикрли ва билимдон ёшлар — келажакимиз" мавзусидаги маърузаси кўнглимизнинг диққат-эътиборини тортди.

— Киши атрофидаги воқеа-ҳодисаларни тўғри таҳлил қила олиши керак, — деди А.Бобоев. — Улардан тўғри хулоса чиқариб, турли кўринишларда ақс этадиган ғоявий, маънавий таҳдид ва хуружларни англай олиш учун етарли билимга эга бўлиш, ўқиб-ўрганишдан тўхтамаслиги зарур.

Вилоят партия кенгаши раиси Абдуқасимовнинг "Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги муҳим вазифамиз" мавзусида қилган маърузаси ҳам тадбир иштирокчиларида кизиктиштирди.

— Ахборот технологиялари

асрида ахлоқсизлик, ёвузлик ва зўравонликни интернет ёрдамида тарқатишга зўр бераётганлар бор, — деди А.Ахмедов. — Бу билан халқларнинг миллий қадриятлари, маданияти, маънавий ва маърифий меросини эскирган деган қарашларни синдиришга, ёшларнинг дунёқарашларини хиёраланштиришга уринадилар. Тафаккурида бўшлиқ мавжуд бўлган одам бегона ғоя ёки қарашни ўзига тез синдириб олади, бу ҳолатни асло назардан четда қолдириб бўлмайди.

— Дарҳақиқат, маънавий таҳдидлар шаклан турлича бўлса-да, уларнинг мақсади бир хил — ёшларнинг тафаккурини сийқалантириш, уларни ўзига маънавий қўл қилиш орқали мудҳиш ниятлари йўлида фойдаланишдан иборат. Буни ҳар бир ёш, ҳар бир фуқаро тушуниб етмоғи шарт, албатта, — деди тадбирда "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари "Мустақил фикрли ва билимдон ёшлар" мавзусида маъруза қилган халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари, Қашқадарё телерадиокомпанияси муҳаррири Замира Бобоназарова.

Партия фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ташкилотлари, маънавият-тарбия маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фондига, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда педагоглар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда вилоят партия кенгашининг

**Комил САХАТОВ,**  
"Adolat" мухбири







МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

"Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига 25 туп дарахт — менинг туҳфам!" шiori асосида кўкаламзорлаштириш тадбирларини давом эттираётган андижонликларнинг шашти баланд. Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари ҳам диёримиз янада кўркам боғу бўстонга айланишига муносиб ҳисса қўшиш ҳаракатида.

ЛОЛА ДАРАХТИ КЎЧАЛАРНИ БЕЗАМОҚДА

Андижон халқро аэропорти атрофидан бошлаб, Амир Темур, Алишер Навоий шoқкўчаларининг икки томонига лoла дарахти кўчатлари ўтказилди. Кўпни кўрган кексалар ишбоши бўлиб, хашарчиларга эзгу тилаклар билдиришди. Ёшлар байрат кўрсатдилар. Ушбу ноёб кўчатлар ўсиб, лoла мисoл гуллар барчанинг завқу хавасини уйғотиши табиий. Бу яратувчилик ишқи билан яшаётган юртдошларимизга янада кўтаринки рух бағишлайди.



Хоризждан келтирилган минг тупдан зиёд кўчатларини ўтказишда ўзига хос жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Барча бирдек сидқидилдан меҳнат қилди. Янгича қиёфага қираётган шаҳар кўчаларига қараб партиямиз фахрийси Шухратбек Ибрагимов шундай дейди:

— Андижонимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Ноёб дарахтлар барг ёзса, кўчаларимизнинг кўрки янада ошади. Бу мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига андижонликларнинг ўзига хос муносиб туҳфасидир.

Ақбаржон НАЗАРОВ, "Adolat" мухбири

"НАВРЎ САДОЛАРИ"

кўтаринки руҳда ўтди

ФЕСТИВАЛЬ

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Наврў садолари" халқ чолғу оркестрлари ва кўп овозли ансамблларининг II халқаро мусика фестивали бўлиб ўтди.



"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида фестивалнинг I босқичи жойларда — Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкиллаштирилган бўлиб, уларда фольклорни қўлга киритган маданият, мусика ва санъат йўналишидаги лицейлар ҳамда коллежлар жамоалари республика босқичида иштирок этди. I босқичда мингдан зиёд талабгорлар катнашдилар.

— 2007 йилдан буён ўтказиб келинаётган фестивалнинг жорий йилдаги "Соғлом она ва бола йили"га бағишланиб, Ўзбекистон Республикасининг "Номодий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида"ги қонуни ҳамда Президентимизнинг "Болалар мусика ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди мутахассиси Аббосжон Эргашев. — Бу каби тадбирлар маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлайдиган, юсак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдирини ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлод ўрасида кўп овозли ижро шаклини ривожлантириш ва янада оммалаштиришга, миллий қолчуларимиз ижрочилигида етук кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Уч кун давом этган фестивал доирасида болаларнинг ижодий салоҳиятини янада кенг очиб бериш, уларда мусика ва санъатнинг бошқа турларига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, мусика ва тасвирий санъат соҳаларида дунё бўйича тўпланган бой меросни ўрганиш юзасидан олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш мавзуларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Фестиваль якунида фаол иштирок этган ёшлар тадбир ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалари ва махсус сертификат билан тақдирландилар.

Шахноза САИПОВА, ўқитувчи



ЁШЛИК ШИЖОАТИ ВА ТАШАББУСКОРЛИК УЙҒУНЛИГИ

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Бугун ёшлар тафаккури, дунёқарашини тубдан янгиланиб, ўзгариб бормоқда. Интилувчан, ҳаракатчан, зукко, ўз билим ва иқтидорлари билан юрт тараққийоти, Ватан равнақи йўлида хизмат қилишга шай ёшлар сафи ошиб бораётганлиги эртанги кунимизнинг пойдевори мустаҳкамлигидан далолатдир.

Молия муассасалари томонидан олиб борилаётган кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари самараси ўлароқ, бугунги кунда банклар ажратган сармоялар ҳисобига ҳар йили минглаб ёшлар ўзларининг мустақил ишларини бошлаш имкониятига эга бўлмоқда.

Юртимиздаги йирик молия муассасасидан бири ҳисобланган "Ипотeka-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банкининг соҳа ривожидидаги кўрсаткичлари, айниқса, салмоқли. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, "Ипотeka-банк" томонидан касб-хунара коллежи битирувчиларининг тадбир-

Бехзод АБИДОВ, "Lamak biznes" МЧЖ раҳбари:

— Давлатимиз томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда мен ҳам ўз бизнес лойиҳам билан "Ипотeka-банк" нинг Тошкент вилояти филиали амалиёт бошқармасига мурожаат қилган эдим. Банк ходимлари лойиҳамни қисқа муддатда кўриб чиқиб, қандолат маҳсулотларининг бир неча турларини тайёрлашга мўлжалланган жиҳозларни сотиб олишимиз учун 90 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Ҳозир биз ишлаб чиқараётган чиройли ҳадоқланган, сифатли маҳсулотлар дўкон ва бозорларимиз пештахталарини тўлдириб турибди. Савдо шохобчаларига кунига 100 килограммга яқин қандолат маҳсулотлари етказиб берамиз.

Шу билан бирга, фаолиятимиз кўламини кенгайтириб, корхонамиз қошида парранда гўшти ва туҳуми етиштиришни йўлга қўйдик. Бу соҳани етти ҳазинанинг бири, деб бекорга айтишмаган экан. Инсон соғлиги учун фойдали, табиий, тоза маҳсулотлар ҳисобланган бедана туҳуми ва гўшти етиштиришни янада ривожлантириб бормоқдамиз. Ушбу фаолият шаклланиши баробарида 3 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда, бир кеча-кундузда 10 минг дона бедана туҳуми ва мавсумга қараб бедана гўштини етказиб берамиз. Ҳозир ўзим қатори тенгдошларимни ҳам ушбу фаолиятга жалб қилдим. Халқимиз дастурхонига сифатли маҳсулотлар етказиб беришга баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшиб келаётганимиздан мамнунмиз. "Ипотeka-банк" билан ҳамкорлигимиз самарали бўлишига ишонамиз.

Сирож ЖАББОРОВ, "Урганч Жасмин-савдо" МЧЖ раҳбари:

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган кенг имкониятлардан маҳсадли фойдаланган ҳолда мен ҳам ўз тадбиркорлик фаолиятимни аҳоли кундалик эҳтиёжи учун энг зарур бўлган нон ва нон маҳсулотларини етказиб беришдан бошладим. Ўтган йил "Ипотeka-банк" нинг Хоразм филиали томонидан ажратилган 31 миллион сўм миқдоридаги сармоя ҳисобига ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Ушбу сармоя эвазига корхонамиз қошида 3 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир корхонамизда нон, ширин кулча ва булочкаларнинг 10 дан ортиқ турлари тайёрланади. Дастурхонимиз кўрхи бўлган нон серолиғи турмуш фаровонлигини ҳам аниқлатади. Парҳез сақловчилар учун эса алоҳида нонлар ишлаб чиқарилади. Худудимиздаги йирик савдо марказларидан тортиб, то кичик озиқ-овқат дўконларигача, умуман, аҳолининг барча қатламида маҳсулотларимизга талаб катта. Эндиликда ширин кулчаларнинг янги турларини тайёрлашга мўлжалланган замонавий жиҳозларни сотиб олмақчимиз. Бунда ҳам биз асосий молиявий таянчимиз бўлмиш "Ипотeka-банк" кўмағига ишонамиз. Банк билан алоқамиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. "Ипотeka-банк" томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар ҳамкор танлашда адашмаганимиздан далолат беради.

Банк матбуот хизмати

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК

Аёллари эҳтиром билан, фарзандлари меҳр-муҳаббат билан эъозланиданган заминда оналар ва болалар доимо давлат ҳимоясидадир. Уларнинг соғлом турмуши, бахтли келажаги йўлида бугун сиёсий партиялар ҳам жиддий ишларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида қайд этилганидек, партия ўз саяб-ҳаракатларини соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлашга қаратмоқда.

"СПОРТ БИЛАН САЛОМАТЛИК САРИ" МАРАФОНИ ЎТКАЗИЛДИ

Шу йўналишда худудий партия кенгашида ҳам ишлар қизғин бормоқда. Фарғона шаҳрида вилоят партия кенгашининг "Аёллар қаноти" ташаббус билан партиянинг "Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик" лойиҳаси доирасида "Спорт билан саломатлик сари" шiori остида спорт мусобақаси ташкил этилди. Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган ушбу тадбирга ёшлар, хотин-қизлар, педагоглар, институт ходимлари катнашдилар. Саккиз юз нафардан ортиқ иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши билан доимий равишда турли мавзуларда семинарлар ва очик мулоқотлар ўтказиб келамиз, — дейди институт ректори Исмаилов Тўхтаров. — Бугунги байрамона шукҳда ўтган спорт мусобақаси ҳамкорликдаги фаолиятимизда янгиланган бўлди. Аёлларимиз, ўқитувчи-ҳодимларимизнинг беллашувларда фаол иштироки, аҳоли даражадаги қайфиятларидан саломатлик омили бўлган спортнинг ҳаётимизда муҳим ўрни туганганини алоҳида таъкидлашимиз керак.

Бугунги кунда Ватан фахри, миллат қадрини барча нарсдан устун туради. Шу билан бирга, ҳар бир инсон

Комила ИСРОИЛОВА, Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Amir Temur yigitlari advertisement with text about youth and sports.

Asaka Bank advertisement with logo, text about 2016 year achievements, and a list of branches with contact information.

Adolat logo and contact information for the newspaper.

Information about the editor-in-chief and other staff members.

Information about the publisher and other staff members.

Information about the printing process and subscription details.